

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САФАРОВА ЛОЛА АЛИАСКАРОВНА**

**ОИВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН АЁЛЛАРДА ХОМИЛАДОРЛИК ВА  
ТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сафарова Лола Алиаскаровна**

ОИВ билан касалланган аёлларда

хомиладорлик ва туғруқни олиб

боришни оптималлаштириш..... 3

**Сафарова Лола Алиаскаровна**

Оптимизация ведения беременности

и родов у женщин,

инфицированных ВИЧ..... 25

**Safarova Lola Aliaskarovna**

Optimization of pregnancy and

childbirth management in

women infected with HIV. .... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САФАРОВА ЛОЛА АЛИАСКАРОВНА**

**ОИВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН АЁЛЛАРДА ХОМИЛАДОРЛИК ВА  
ТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2. PhD/Tib2617 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент Тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Негмаджанов Баходур Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Зуфарова Шахноза Алимджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Б.Н.Ельцин номидаги Қирғизистон-Россия Славян университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc..04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ ихтисослашган болалар хирургик клиникаси), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03,e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс маркази томонидан топширилган (\_\_\_\_\_- олинган рўйхат рақами). Манзил: Амир Темура Кўчаси, 18, Самарқанд, 140100. Телеграмма / факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда одамлардаги иммунтанқислик вируси чақирувчи инфекция муаммоси профилактика, ташхислаш ва юқори самарали антиретровирус терапия(АРТ)ни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган мувофиқлаш-тирилган ҳаракатларга қарамай, жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасида устувор муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...2022 йилда ОИВ билан касалланганларнинг умумий сони 39 миллионга етди. Уларнинг 37,5 миллиони - 15 ёш ва ундан катталар, 1,5 миллиони эса, кичик ёшдагилардир. Уларнинг аксарияти - 53%ини аёллар ташкил этади. 2022 йилда янги касалланганлар сони 1,3 миллионни ташкил этган ва уларнинг 46 %ини аёллар ва қизлар ташкил этган. Дунё микёсида ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг 82%и ОИВ нинг перинатал юқишининг олдини олиш учун АРТ дан фойдаланиш имкониятига эгадир...»<sup>1</sup> Одамдаги иммунтанқислиги вирусига қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик тегишли хизматлар қамровини оширишга ёрдам бермоқда. Шундай қилиб, 2019 йилда ОИВ билан касалланган катта ёшдаги аҳолининг 68%и ва ёш болаларнинг 53%и умрбод антиретровирус терапия олган. Ўзбекистонда 2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, ОИВ инфекцияси билан касалланганлар сони қарийб 45 минг нафарни ташкил этади, улардан 55 %и эркаклар, 45 %и аёллардир. Вируснинг перинатал юқишига қарши курашиш бўйича профилактика чора-тадбирлари самарали амалга оширилгани туфайли юқиш даражаси 2013 йилдаги 2,3%дан 2021 йилда 0,7 %га камайган. Шунга қарамай, айти пайтда, ОИВ инфекциясининг ҳомиладор аёлнинг организмга зарарли таъсирини баҳолаш, касалликнинг ҳомиладорларда самарали профилактикаси, ташхислаш, даволаш ва олиб бориш принципларини такомиллаштириш ва ўтказилган комплекс чора-тадбирлар натижаларини баҳолаш акушерлик амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда ОИВ инфекциясининг ҳомиладор аёл организмга таъсирини эрта аниқлаш, энг мақбул даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва уни келтириб чиқарувчи хавф омилларини бартараф этишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ОИВ инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларнинг тиббий-ижтимоий хусусиятларини аниқлаш, уларда ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги ва неонатал даврларни ўрганиш, таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва перинатал асоратларни башорат қилиш чора-тадбирларининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан, ОИВ инфекцияси билан омиладор аёлларни эрта аниқлаш, уларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар кенг

---

<sup>1</sup> World Health Organization. (2019). Global Health Estimates: Life expectancy and leading causes of death and disability. ВОЗ, Всемирная Ассамблея Здравоохранения, 63-я сессия. Мат., п. 11.7, А63/10, 1/1У-2010, 9 с.

амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада; «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда биринчи марта ҳомиладорлик даврида ОИВ инфекцияси бўйича комплекс функционал, лаборатория ва морфологик тадқиқотлар ўтказиш, ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ, пуэрперал ва неонатал даврларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш уларда акушерлик ва перинатал асоратларининг ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш ва келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни, шу жумладан, энг хавфли оппортунистик инфекциялар кўпайишининг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш орқали хасталик натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>3</sup>, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида”ги, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2023 йил 20 январдаги ПҚ-14-сонли «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда ОИВ инфекцияси билан касалланиш даражаси мунтазам ортиб бормоқда (Новикова О.Н., 2017).

Ҳомиладор аёлларда ОИВни аниқлашнинг юқори даражаси ҳомиладорлик даврида аёлларнинг тиббий мониторингини кучайтириш, кенг қамровли даволанишни таъминлаш, эрта ташхис қўйиш ва онада вирусни бостиришга еришиш учун антиретровирус терапиясига риоя қилишни оширишга қаратилган стратегияларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади [Trindade

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

LNМ, Nogueira LMV., 2021]. ОИВ инфекциясининг ҳомиладорлик даврига салбий таъсири аниқ бўлса-да, кўпчилик муаллифлар вируснинг акушерлик патологик жараёнларининг ривожланишига таъсири ҳақида бир хил фикрда эмаслар. Баъзилар, инсон иммунитет танқислиги вируси ҳомиладорлик жараёнига таъсир қилмайди, деб ҳисоблашса, бошқалари эса, ҳомиладорликнинг перинатал натижаларига зарарли таъсир кўрсатишини қайд этадилар [Алехина А.Г., 2019 йил, Шахвердян Ю.Г., 2019]. ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёллар, асосан, вирусни етарли даражага назорати булмаганлиги туфайли оналик ва перинатал касалланиш ва ўлим хавфи остида туради. Бундан ташқари, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврларда ҳомилага инфекцияни вертикал равишда юқтириш хавфи мавжуд [Victor N. Chilaka, Justin C. Konje, 2021]. Қарама-қарши фикрлар ОИВ инфекциясининг акушерлик асоратларининг ривожланишига таъсирини ўрганишдаги қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, улар кўплаб омиллар сабаб вируснинг таъсири билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, аммо инфекцияланган аёлларнинг аксариятида учрайди [Рымашевский А.Н., 2020, Целкович Л.С., 2019]. Бироқ, ҳозирги вақтда асоратларнинг тарқалиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси муаммоси: К.Х.Юлдашев, (2021), Т.А. Даминова (2021), Г.К. Худайқулова (2022), Л.Н. Туйчиева (2023) ва бошқаларнинг илмий ишларида очиб берилган, бироқ ОИВ инфекциясининг ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги давр, шунингдек, перинатал натижаларга таъсири бўйича тадқиқотлар жуда кам. Ушбу масалаларга доир илмий тадқиқотлар орасида В.И.Ашурованинг ишлари алоҳида ажралиб туради (2023), уларда ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишга янги ёндашувларни излаш, шунингдек, ОИВнинг перинатал юқиши частотасини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳомиладорликни ОИВ инфекцияси фонида ўрганувчи тадқиқотчилар сурункали плацента етишмовчилиги частотасининг ошиши, ҳомила ўсишини чеклаш, муддатдан олдин туғруқ, қағоноқ пардаларининг муддатдан олдин ёрилиши, туғруқдан кейинги эндометрит, перинатал касалланиш ва ўлимнинг кўпайишини аниқладилар. Бироқ ҳозирда асоратларнинг частотаси ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Қарама-қарши фикрлар ва тадқиқотлар кам ўтказилганини ҳисобга олган ҳолда, ОИВнинг ҳомиладорлик ва перинатал асоратларнинг ривожланишига таъсирини ўрганиш, шунингдек, ушбу муаммоларнинг ечимини топиш замонавий акушерлик фанининг долзарб вазифалари ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ПЗ-2018-090921394 “Она ва бола саломатлигини диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш бўйича минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш” (2021-2023) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ҳомиладорлик ва перинатал асоратларни прогнозлаш асосида ОИВ-мусбат ҳомиладор аёлларни бошқариш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг тиббий-ижтимоий тавсифини тақдим этиш;

ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги ва неонатал даврларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва перинатал асоратларнинг пайдо бўлиш частотасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

ОИВ билан касалланган аёлларда плацентанинг морфологик, гистокимёвий ва морфометрик хусусиятлари таҳлилини ўтказиш;

мусбат ОИВ мақомига эга бўлган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларни башорат қилиш учун ЭХМ дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар ОИТС маркази ва Тошкент шаҳар 1,8, 9-сон туғруқ комплексларига мурожаат қилган 167 нафар ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник, лаборатор ва биокимёвий тадқиқотлар учун аёлларнинг веноз қони ва қон зардоби, морфологик, гистокимёвий ва морфометрик тадқиқот усуллари учун йўлдоши ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, иммунологик, махсус акушерлик текшируви, инструментал, умумий морфологик, морфометрик, гистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда ОИВ инфекциясига чалинган ҳомиладор аёлларнинг тиббий-ижтимоий ҳолати баҳоланган ва уларнинг 68% уй бекаси, 61%да қонуний никоҳда бўлганлиги, 60,5%да бу ҳомиладорлик режалаштирилганлиги ва 81,5%да тақрорий ҳомиладорлик эканлиги аниқланган;

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда акушерлик (ҳомила тушиш хавфи, гипертензив касалликлар, муддатдан олдинги туғруқ, қоғаноқ пардаларининг муддатдан олдин ёрилиши) ва неонатал (янги туғилган чақалоқларнинг вазни ва бўйи кўрсаткичларининг меъёрдан камлиги, марказий ва периферик асаб тизимининг бузилиши ва нафас олиш етишмовчилиги синдроми) асоратларнинг юқори даражада учраши аниқланган;

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда плацентанинг морфологик, морфометрик ҳамда гистокимёвий текширишларида фибриноид тузилмаларнинг шаклланиши, децидуал хужайраларнинг гидропик дегенерацияси, мультифокал некроз ўчоқлари, дистрофик калцификациялар мавжудлиги аниқланган ва йўлдош тўқимаси тузилмалари ҳажмининг назорат гуруҳига нисбатан 1,4 мартабага ошганлиги исботланган;

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда хавф омилларини баҳоловчи ва перинатал асоратлар хавфи даражасини башорат қилувчи дастурини (сезгирлиги - 86,7% ва ўзига хослиги - 90%) қўллаш орқали ҳомиладорликни олиб бориш ва касалликни даволаш чора-тадбирлари такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни бошқариш тактикаси перинатал асоратларни камайтириш мақсадида хавф гуруҳини шакллантириш орқали такомиллаштирилган;

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратлар хавфини башорат қилиш учун ишлаб чиқилган дастур прогностик мезон сифатида тавсия этилган;

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларни ҳомиладорлик, туғруқ, пуэрперал ва неонатал даврлар олиб бориш ва даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони етарли даражада танланганлиги, замонавий морфологик, морфометрик, гистохимик, биохимик, функционал усулларни қўллаш натижалари статистик ишлаб чиқилгани, уларнинг бири иккинчисини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида, ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларни бошқариш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомила-плацента етишмовчилигининг ривожланиш механизмини аниқлаш, ОИВда йўлдошнинг шикастланишини морфологик баҳолаш, она-плацента-ҳомила тизимидаги бузилишларнинг патогенези механизмларини аниқлаш натижасида акушерлик ва перинатал асоратларни башорат қилиш ва олдини олишни яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларни бошқариш тактикаси такомиллаштирилгани, амбулатория ва стационар шароитда ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал патологиянинг пайдо бўлиши хавф омилларини башорат қилиш дастури жорий этилгани ҳомиладор аёлнинг ҳолатини тўғри баҳолашга, ҳомиладорликни бошқаришнинг тўғри, асосли тактикасини танлашга имкон бериши, ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал патологиянинг ривожланиш хавфини ҳисоблаш дастурининг амалга оширилиши акушерлик ва неонатал асоратлар частотасини камайтиришга ёрдам бериши, перинатал касалланиш ва ўлимни камайтириши билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Илмий тадқиқот натижалари 2023-йил 5-июндаги 90-сон буйруғи билан Тошкент шаҳридаги 1-сон туғруқ комплекси, 2023 йил 1-июндаги 200-сон буйруғи билан Тошкент шаҳридаги 8-сон туғруқ комплексига клиник амалиётга жорий этилган.

ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқаришни оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра: "ОИВ

инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал патология хавфи даражасини башорат қилиш дастури" ишлаб чиқилди ва амалга оширилди; "ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ тактикасини такомиллаштириш" услубий тавсиялари тасдиқланди ва амалга оширилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 84-р1395-сонли хулосаси тўғрисидаги гувоҳнома). Натижада, компьютер дастури ва услубий тавсиялар ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқаришни оптималлаштиришга ёрдам берган;

Тадқиқот натижаларини амалга ошириш ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва тузатиш имконини беради. Бу ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва перинатал асоратларнинг частотасини камайтиришга имкон берди. Тадқиқотнинг ижтимоий аҳамияти ОИВ билан касалланган аёллар ва уларнинг янги туғилган чақалоқларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди, узоқ муддатли стационар ва амбулатория шароитида даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтирди. Тадқиқотнинг иқтисодий аҳамияти ҳомиладорлик даврида ОИВ билан касалланган беморларни бошқаришни яхшилаш перинатал асоратларни камайтиришга ёрдам беради, бу эса янги туғилган чақалоқларни даволашда амбулатор ҳамда стационар шароитида кетадиган умумий сарф-харажатни камайтириш ҳисобига эришилади. Ҳар бир болага ўртача 760 минг сўмлик дори воситалари сарфланади. Беморларнинг касалхонада бўлиш муддати 6 кундан 4 кунга қисқартирилди, касалхонада ётадиган кунлар сони камайди. Натижада, туғруқ давридаги аёллар ва янги туғилган чақалоқларни даволашга қаратилган харажатларни қисқартириш, шунингдек, уларнинг касалхонада қолиш муддатини қисқартиришга эришилган. Шунингдек, ОИВга чалинган аёллар ва янги туғилган чақалоқлар ҳаётининг сифат жиҳатидан яхшиланишига ёрдам бериб, янги туғилган чақалоқларни стационар ва амбулатор шароитда узоқ муддатли терапияга бўлган эҳтиёжи камайди.

“ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни оптималлаштириш” мавзусида илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли йиғилиш баённомасига асосан №05/70-сонли хулосасида тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий конференция, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 8 таси республика ва 1 таси халқаро журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"ОИВ инфекциясининг эпидемиологик, ҳомиладорлик ва перинатал муаммоларининг замонавий жиҳатлари"** номли биринчи бобида ОИВ инфекциясининг перинатал юқишининг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирларининг самарадорлиги тўғрисидаги жорий маълумотларга асосланган, умумлаштирилган адабиёт маълумотлари келтирилган. Алоҳида қисмда ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр ҳақида замонавий қарашлар тасвирланган. Шу билан бирга, ҳомиладорлик даврида ОИВ билан касалланган аёлларга хос бўлган гематологик кўрсаткичларнинг ўзгариши тасвирланган. Алоҳида-алоҳида, ОИВ билан касалланган аёлларда ҳомила-плацента комплекси ҳолатининг хусусиятлари ва ҳомила ҳамда янги туғилган чақалоқларнинг характерли перинатал шароитлари ҳақидаги замонавий қарашлар алоҳида тақдим этилган.

Диссертациянинг **"Материал, дизайн ва тадқиқот усуллари"** номли иккинчи бобида клиник материалнинг умумий таърифи, тадқиқот дизайни ва тадқиқот усуллари тақдим этилган.

Ушбу диссертация учун клиник материаллар Тошкент тиббиёт академияси 1-сонли "Акушерлик ва гинекология" кафедраси базасида, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш шаҳар маркази (Бош шифокор: В.Д.Баратова), Тошкент шаҳар туғруқ комплексларида тўпланган. Морфологик ва гистокимёвий тадқиқот усуллари Республика патологик-анатомик марказида (директор - Р.И.Исмоилов) амалга оширилди.

Тадқиқот дизайни 2 босқичдан иборат эди.

**I босқич.** ОИВ билан касалланган 119 та беморнинг амбулатор карталари, туғруқ тарихлари ва янги туғилган чақалоқлар тарихларини ретроспектив ўрганиш.

ОИВни дастлабки аниқлаш маълумотларига кўра, инфекция давомийлигининг таъсирини аниқлаш учун ретроспектив тадқиқот гуруҳи 3 та кичик гуруҳга бўлинган: 1-кичик гуруҳ - инфекция давомийлиги 1 йилдан кам бўлган 47 та аёл; 2-кичик гуруҳ - инфекциянинг давомийлиги 2 йилдан 5 йилгача бўлган 38 та аёл; 3-кичик гуруҳ - инфекциянинг давомийлиги 6 йил ва ундан кўп бўлган 34 та аёл. Барча учта кичик

гуруҳда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг хусусиятлари, шунингдек, лаборатория маълумотлари таҳлили (умумий қон таҳлили, қоннинг биокимёвий ва коагулологик кўриниши, қин микрофлораси ҳолати) уьтратовуш ва доплер ўлчовлари бўйича перинатал натижалар, фето-плацентар тизими ҳолатининг таҳлили амалга оширилган.

Олинган натижалар асосида ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларни башорат қилиш учун ЭХМ-дастури ишлаб чиқилди ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди.

**II босқич.** Тадқиқот гуруҳларини тузиш: асосий гуруҳни Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказида рўйхатга олинган 48 нафар ҳомиладор аёл ташкил этди, беморларни танлаш тасодифий усулда ўтказилди. Назорат гуруҳи ОИВ ҳолати салбий бўлган 40 нафар ҳомиладор аёллар ташкил этди. Таққослаш гуруҳи ретроспектив тадқиқотга ёзилган 119 ОИВ билан касалланган аёллардан иборат еди.

Тадқиқотга кўшилиш учун беморларнинг маълум мезонларга мувофиқлигини баҳоладик: бемор Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказида диспансерда рўйхатга олинган, яъни тасдиқланган ОИВ-мусбат ҳолати мавжуд; ҳомиладорлик; репродуктив ёш, сурункали инфекциялар (хусусан, гепатит Б, С, сифилис) йўқлиги, туғруқ Тошкент шаҳар туғруқ комплексларида содир бўлган, ҳомиладорлик муддати 22 ҳафта ва ундан ортиқ.

Тадқиқотдан четлаштириш мезонлари: ОИТСнинг аниқланган ташхиси, ҳомиладорликнинг кечишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган АРВТни қабул қилишда дори воситаларини қўллаш, ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасига қадар ҳомиладорликнинг ўз-ўзидан ёки сунъий равишда тўхтатилиши;

Тадқиқот гуруҳларининг тиббий-ижтимоий хусусиятларини аниқлаш учун ёш хусусиятлари, ижтимоий ҳолати, репродуктив тизимнинг анамнестик хусусиятлари ва соматик патологияси таҳлил қилинди. Алоҳида эътибор *anamnesis morbi*, хусусан, инфекциянинг давомийлиги, йўли, кечиши ва ОИВ инфекцияси билан боғлиқ асоратларга қаратилди.

Текширув комплексига қуйидагилар киради: акушерлик, инструментал, лаборатор, шунингдек, асосий гуруҳ аёллари қонини иммунологик текшириш, олинган йўлдошни морфологик, морфометрик ва гистокимёвий текширишни ўз ичига олган махсус тадқиқот усуллари.

Диссертациянинг «**Тасдиқланган ОИВ ташхиси бўлган беморларда акушерлик ва перинатал натижалар (ретроспектив таҳлил маълумотлари)**» номли учинчи бобида ижтимоий, тиббий ва акушерлик тавсифининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили натижалари, шунингдек, таққослаш гуруҳидагилар ҳомиладорлиги натижалари баён этилган.

Аёлларнинг ўртача ёши 17 ёшдан 44 ёшгача диапазонида -  $30,1 \pm 5,82$  бўлган. Ретроспектив гуруҳдаги беморлар ёшига қараб, қуйидагича тақсимланди: эрта репродуктив ёшда – 17-25 ёш бўлган 27 нафар аёл (23%), оптимал репродуктив ёшда – 26 ёшдан 35 ёшгача бўлган 61 нафар (51 фоиз) аёл; ОИВ билан касалланган 31 та аёл (26%) тегишли равишда, кеч репродуктив ёшда - 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган.

Иммунтанқислиги вируси билан касалланган ҳомиладор аёллар туғруқ тарихининг ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг кўпчилиги оптимал репродуктив ёшда бўлган, аммо шуни таъкидлаш керакки, 35 ёшдан кейин аёллар орасида туғиш функциясини бажаришни хоҳлайдиган ОИВ билан касалланган аёллар сони сезиларли даражада катта. Уларнинг кўпчилиги мультигравид ва мультипаралар эди. Уларнинг аксарияти уй бекалари эди.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида, 1 кичик гуруҳнинг 21% (10 аёллар) беморларда ҳомила тушиш ҳавфи кузатилган, 24% госпитализация қилинган, 76% амбулатория шароитида даволанган. 2 ва 3 кичик гуруҳларда ҳомиладорликни тўхтатиш ҳавфи тегишли равишда 10 (26%) ва 7 (20,6%) ташкил этди. 1 – кичик гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг енгил ва ўртача қусиши 9 (19%) ҳолларда, 2 ва 3 кичик гуруҳларда -13 (34%) ва 8 (23,5%) ҳолатларда тегишли равишда кузатилган. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида 1 кичик гуруҳдаги 10 (21%) аёллар муддатдан олдин туғруқ ҳавфи таҳдид қилгани учун касалхонага ётқизилган. Гипертензив бузилишлар 1 кичик гуруҳда 12 аёлларда кузатилган: 5 (13%) да турли даражадаги преэклампсия, 7 (17%) аёлда ҳомиладорлик билан индукцияланган гипертензия. Иккинчи кичик гуруҳда муддатдан олдин туғруқ ҳавфи 9 (24%) ҳолларда, гипертензив бузилишлар – 7 (18%) аёлларда: ҳомиладорлик билан индукцияланган гипертензия – 5 (12%), преэклампсия – 5 (13%). Учинчи кичик гуруҳда, 9 (26%) аёллар муддатдан олдин туғруқ ҳавфи бўйича даволанган, гипертензив бузилишлар – 7 (20,5%) аёлларда кузатилган : ҳомиладорлик билан индукцияланган гипертензия – 3(9%), преэклампсия – 4 (10,5%) ҳолатларда (жадвал 1).

Аёлларнинг кўпчилиги - 98 (82,3%) нафари тўлиқ муддатли ҳомиладор бўлган, 21 (17,6%)нафари муддатидан олдин тукқан. Тўлиқ муддатли соғлом янги туғилган чақалоқнинг ташхиси 98 та (82,4%) ҳолатда содир бўлган. 30 та янги туғилган чақалоқ (25,2%)да қуйидаги асоратлар кузатилган: марказий ва периферик асаб тизими бузилиши - 15 (12,6%) та ҳолатда, бош мия ишемияси - 7 (6%)та, турли оғирлик даражасидаги нафас олишининг бузилиши синдроми - 15 (12,6%) та ҳолатда, ҳомиланинг ички инфидирланишининг белгилари - 12 (10%)та, туғма нуқсонлар - 1 та ҳолатда (юмшоқ танглайнинг ёпилмаслиги), муддатдан олдинги туғруқ, конвульсив синдром - 9 та (7,5%), янги туғилган чақалоқнинг вазни ва ҳомиладорлик муддати (кам вазли чақалоқ) ўртасидаги номувофиқлик - 22 (18,4%) та ҳолатда. Иккала гуруҳда ҳам антенатал ҳомила ўлими кузатилмади.

1-жадвал

## Ушбу ҳомиладорликнинг асоратлари (ретроспективик таҳлил гуруҳи)

Асоратлар	1 кичик гуруҳ n=47		2 кичик гуруҳ n=38		3 кичик гуруҳ n=34		$\chi^2$	P1	$\chi^2$	P2	$\chi^2$	P3
	Абс	%	Абс.	%	Абс	%						
Ҳомила тушиш ҳавфи	10	21	10	26	7	20,6	0,30	0,586	0,01	0,940	0,33	0,568
Ҳомиладор аёлларнинг энгил ва ўртача қусиши	9	19	13	34	8	23,5	2,48	0,115	0,23	0,633	0,99	0,320
Преэклампсия	5	13	2	5	4	10,5	1,39	0,239	0,37	0,542	2,79	0,095
Ҳомиладорлик билан индукцияланган гипертензия	7	17	5	13	3	9	0,02	0,879	0,43	0,511	0,24	0,622
БПХҚБ	24	51	18	47	20	59	0,11	0,735	0,48	0,489	0,94	0,331
Камсувлик/кўпсувлик	14	30	17	45	11	32	2,03	0,155	0,06	0,805	1,16	0,282
Йўлдошни олдинда ётиши	0	0	2	5	0	0	2,53	0,111	-	-	1,84	0,175
Муддатдан олдин туғруқ ҳавфи	10	21	9	24	9	26	0,07	0,791	0,30	0,586	0,07	0,785

*Изоҳ: P1, P2, P3 – мос равишда, асосий ва қиёсий, асосий ва назорат, қиёсий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги Pearson мезонига кўра фарқлар ишончлилиги*

Ретроспектив таҳлил маълумотларига асосланиб, биз томонимиздан ҳар бир ОИВ-серопозитив ҳомиладор аёлга асосий хавф омилларини аниқлаш ва

баҳолаш, уларга балл бериш ва перинатал патология хавфи даражасини аниқлаш имконини берувчи прогностик жадвал ишлаб чиқилди.

### **ОИВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ПЕРИНАТАЛ ПАТОЛОГИК ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ БОШҚАРИШ ДАСТУР**

	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Асосий хусусиятлар</b>	<b>Баллар</b>
1	Ёш	Ёш 18 ёшдан 35 ёшгача	0
		18 ёшгача	1
		35 ёшдан ошган	2
2	ОИВ инфекциясининг давомийлиги	1 йилдан 5 йилгача	1
		6 йил ёки ундан кўп	2
3	АРТга риоя қилиш	Мавжуд	0
		Йўқ	2
4	ОИВнинг клиник босқичи	1-2-клиник босқич	1
		3-4-клиник босқич	2
5	Биргаликда соматик патология	Йўқ	0
		Мавжуд	2
6	Вирусли юк	500 > мл да нусха	0
		1000 > мл да нусха	1
		1 мл > 1000 нусха	2
7	Ёмон одатларга эга бўлиш (чекиш, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш)	Йўқ	0
		Чекиш	1
		Чекиш + спиртли ичимликлар	2
8	Ҳомиладорлик-нинг ўз-ўзидан тўхталиши	0	0
		1-2	2
		3 ёки ундан кўп	3
9	Ҳомиладорлик-нинг сунъий тўхталиши	Йўқ	0
		1-2	1
		3 ва ундан ортиқ	2
10	Анамнезда перинатал патологиянинг аниқланиши	Йўқ	0
		Олдинги ҳомиладорликларда	1
		Охирги туғруқ пайтида	2
11	Камқонлик	Гемоглобин 100.0 г / л ва ортиқ	0
		Гемоглобин 91.0-71.0 г / л	1
		Гемоглобин 70.0 г / л ва ундан кам	2
12	Анамнезда гипертензив бузилишлар	Йўқ	0
		Енгил даража	1
		Оғир даража	2
13	Анамнезда муддатдан олдин туғруқ	Йўқ	0
		Мавжуд	2

Олинган маълумотларга асосланиб, ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратлар хавфи даражасини ҳисоблашда балли баҳолаш кўйидагича амалга оширилади:

**2-6 балл** - перинатал патологиянинг паст хавфи. Ҳеч қандай махсус даволаш талаб қилинмайди. Умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқ ҳомиладорликни бошқариш.

**7-15 балл** - перинатал патологиянинг ўртача хавфи.

Ҳомиладорликнинг стандарт бошқарувига L-аргинин препаратини сиропини қабул қилиш кўшилади.

**16 ва ундан юқори** - перинатал асоратларнинг юқори хавфи. Ҳомиладорликнинг стандарт бошқарувига L-аргинин сиропи ва Диосмин 600 мг препарати кўшилади.

ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал патологиянинг хавф омилларини башорат қилиш дастури ОИВ инфекцияси билан касалланган 119 та ва ОИВ-салбий ҳолатга эга 40 та аёлда синовдан отказилди. Ўрганиш натижасида маълум бўлишича, перинатал оқибати асоратланган 43 нафар ОИВ инфекцияси билан касалланган аёллардан 5 нафари (12,3 %) 6 ва ундан кам балл, 38 нафар (87,7 фоиз) аёл эса, 16 ва ундан ортиқ балл тўплаган. Биз ишлаб чиққан дастурнинг сезгирлиги 87,7% ни ташкил этди. Шунингдек, назорат гуруҳидаги 36 нафар (90,0%) аёл жами 6 ва ундан кам балл, 3 нафар аёл 4 нафар (10,0%) - жами 7 ва ундан ортиқ балл тўплаганлиги аниқланди. Биз ишлаб чиққан дастурнинг ўзига хослиги 90,0% ни ташкил этди.

Диссертациянинг **“ОИВ инфекциясида ҳомиладорлик ва перинатал натижаларни яхшилашнинг патогенетик хусусиятлари”** номли тўртинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг қиёсий маълумотлари келтирилган, шунингдек, ОИВ инфекцияси пайтида плацентадаги морфологик, морфометрик ва гистокимёвий ўзгаришлар.

Олинган маълумотларга кўра, асосий гуруҳда ОИВ инфекциясининг ўртача давомийлиги  $5,29 \pm 4,52$  йилни ташкил этди (1; 17), 18 (37%) та аёлда ушбу ҳомиладорлик даврида ташхис қўйилган, яъни - 1 йилгача, 63%ида - ҳомиладорликдан олдин. Диаграммага кўра, улар орасида инфекциянинг давомийлиги кўйидагича тақсимланган: 18 (37%)та аёлда - 1 йилгача, 10 (21%)тасида - 2 йилдан 5 йилгача, 20 та респондет орасида (42%) - 7 йил ва ундан юқори. Таққослаш гуруҳида ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда инфекциянинг давомийлиги: 47 (39%)та аёлда 1 йилдан кам, 34 (32%)та аёлда 2 йилдан 5 йилгача, 34 (32%)та ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда - 6 йил ва ундан ортиқ.

Прогнозлаш дастурига кўра, асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёллар, хавф даражасига қараб ажратилиб, уларда асоратлар пайдо бўлишининг олдини олиш чоралари кўрилди. Шундай қилиб, 21 та аёлда перинатал патология хавфи паст бўлган ҳомиладорлик қабул қилинган стандартларга мувофиқ амалга оширилди; 18 та аёлда асоратларнинг ўртача хавфи бор эди, ҳомиладорликнинг стандарт бошқарувига L-аргинин сиропи 24-27-ҳафтасида ва ҳомиладорликнинг 32-34 ҳафталигида кунига 3 марта 5 мл дан 2 ҳафта давомида буюрилган. Перинатал асоратлар хавфи юқори бўлган 9 нафар аёлга ҳам L-аргинин ва диосмин 600мг препарат кунига 2 марта 1 та таблеткадан 2 ҳафта давомида буюрилган. Тавсия этилган терапиянинг фойдаси иккинчи ва учинчи триместрларнинг қиёсий курси ва натижалари асосида кузатилди.

1 мл қондаги ОИВ РНК нусхалари сонини аниқлашда, қон текшируви натижаларига кўра, беморларга қуйидагича тақсимланди: 1 мл дан 1000 дан ортиқ нусха - 10 дан (21%), 500 дан 1000 нусхагача - кузатилмаган, 500 дан кам - 24 (50%), 14 (29) да аёлда аниқланмаган.

Асосий ва таққослаш гуруҳларидаги беморларда маҳаллий иммунитет ҳолати сезиларли даражада фарқ қилмади. Иммуно тизимининг ҳолати билан биргаликда, паст вирусли юкнинг тарқалиши ОИВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда антиретровирус терапияни тўғри танланганлигини кўрсатади.


## 2-жадвал

### Асосий ва таққослаш гуруҳларидаги беморларда CD 4 ҳужайраларининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	P
CD4%	23±1,01	26±1,12	<0,05
CD мутлак.	438,31±28,75	485,26±14,65	<0,001
Лимфоцитлар	1837,6±77,55	1632±89,28	>0,05

*Изоҳ:* P - солиштирилган гуруҳлар ўртасидаги Student тестига кўра фарқларнинг ишончилиги.

Ҳомиладорликнинг учинчи триместрида бачадон-плацента-ҳомила қон оқимининг доплерометрияси натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда 31 (65%) та ҳолатда гемодинамик бузилишлар аниқланмаган, 9 (18,75) та ҳолатда бузилишлар мавжуд, бачадон-плацента ҳомила қон оқими - БПХҚБ I А даража, ҳомила-плацента қон оқимининг бузилиши - БПХҚБ I Б даража -3 (6%). БПХҚБ II ва III даражалари асосий гуруҳда кузатилмади. Таққослаш гуруҳида БПХҚБ I А даражаси 30% ҳолларда, БПХҚБ I Б даражаси 11,7%, БПХҚБ II даражаси 10% ҳолларда. Назорат гуруҳида БПХҚБ I А даражаси – 15%, БПХҚБ I Б даражаси - 5% ҳолларда (1-расм).



1-расм. Допплер ўлчовлари бўйича бачадон-плацента-ҳомила қон оқимининг ҳолати

Ҳомиладорлик кечишининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи ярмида бу ҳомиладорлик ҳомила тушиш хавфи фониди 9 (19%) ҳоллатларда асосий гуруҳда, назорат гуруҳида – 7 (17,5%), таққослаш гуруҳида-46 (39%) ҳоллатлар кузатилган. Шунингдек, ушбу ҳомиладорлик даврида гипертензив бузилишлар мавжудлиги таққослаш гуруҳида кўпроқ кузатилган. (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ушбу ҳомиладорликнинг асоратлари

Асоратлар	Асосий гуруҳ (n=48)		Таққослаш гуруҳи (n=119)		Назорат гуруҳи (n=40)		$\chi^2/P1$	$\chi^2/P2$	$\chi^2/P3$
	Abs	%	Abs	%	Abs	%			
Ҳомила тушиши хавфи	9	19	28	23.5	7	17.5	0,45/ 0,501	0,02/ 0,880	0,63/ 0,426
Ҳомиладорларнинг қусиши	13	27	30	25.2	15	37.5	0,06/ 0,802	1.09/ 0,296	2.23/ 0,135
Преэклампсия	2	4	14	12	2	5	2.28/ 0,131	0,03/ 0,852	1.51/ 0,219
ХИГ	4	8	18	15	4	10	1.38/ 0,240	0,07/ 0,787	0,66/ 0,417
Муддатидан олдин туғруқ хавфи	3	6	28	23	5	10	6.27/ 0,012	0,42/ 0,517	3.07/ 0,080
Ўртача камсувлик/кўпсувлик	7	14.5	42	36	5	12.5	7.57/ 0,006	0,08/ 0,777	7.93/ 0,005

*Изоҳ: P1, P2, P3 - мос равишда, асосий ва қиёсий, асосий ва назорат, қиёсий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги Pearson мезонига кўра фарқлар ишончлилиги*

Тадқиқот гуруҳларидаги аёлларда туғруқнинг кечиши таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда барча беморларда муддатли туғруқ, таққослаш гуруҳида - 21 (17,6%) муддатдан олдин туғруқ кузатилган (4-жадвал).

